

USED LITERATURE:

1. Mirziyoyev Sh. M. Ensuring the rule of law and human interests as a guarantee for the development of the country and the well-being of the people. - T.: Uzbekistan, 2017.
2. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. - "People's debt" December 23. 2017, No. 5. (1426).
3. See: Boytemirova Z. Ethical Needs. - T.: Fan, 2007.
4. Umarov E. U., Zagyrtdinova F. B. Ethics, Chulpan Publ., 2005.
5. "Uzbekistan is on the path of democratization and renewal of society, modernization and reform of the country." - T.: Academy, 2005.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/024>

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Усмонов Фаррух Насирдинович

ТАТУ СФ, “Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси, (PhD)

Усмонова Лайло Рахматуллаевна

СамДТУ, “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси, (PhD)

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг жаҳон маданияти саҳнасида ўзига хос миллий ва умуминсоний бебаҳо бойликлари бўлади. Айниқса, улар орасида қадриятлар тенгсиз хазина бўлиб ҳисобланади. Зеро, мазкур

хазина авлодларнинг келгусидаги эстетик тафаккурига ва маънавий салоҳиятига мустаҳкам замин бўлиши билан хам характерлидир.

Фалсафа тарихидан бизга шу нарса маълумки, барча фалсафий таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни юқори баҳоланади. Қадриятлар ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули, жамият маънавий камолотининг муҳим омили бўлиб, уни таърифлаганимизда воқеъликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик тушунча эканлигини кўрамиз.

Жамиятимизда қарор топган қадриятларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бугун дунёда рўй берадиган ижтимоий-сиёсий воқеаларни теран англаш учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Қадриятларни ёритишида кўпгина файласуфлар уларни жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрнига қараб онтологик, гносеологик ва эвристик нуқтаи назардан ёндашиб, ўз даври талаблари ва имкониятлари доирасида ёритишига уринганлар. Қадриятлар оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омили ҳисобланиб, шахс маънавий камолотининг маҳсулидир.

Қадриятлар бевосита инсон ақл-идроқи заминида шаклланади ва амалий фаолияти натижасида юзага келади. Шуни айтиш мумкинки аввало инсоннинг ўзи энг олий қадриятдир. Умуминсоний, умумбашарий, миллий қадриятлар инсонларнинг рационал фикрлашлари ва баҳолашлари натижасида юзага келади. Инсонни олий

қадрият сифатида баҳолар эканмиз уни олий қадрият сифатига кўтарган биринчи хислати бу унинг ақли саналади. Ақл орқали инсонлар борлиқни, дунёни, ўз-ўзини, атроф муҳитни англайди ва билади. Натижада инсон табиат ва жамиятда фаолият юритади, ижод қиласи ва қадриятлар яратади. Яратилган қадриятларни биз турларга бўлган ҳолда ўрганамиз. Булар:

- моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар;
- урф-одатлар, анъаналарда намоён бўладиган аҳлоқий қадриятлар;
- инсоннинг қобилияти ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар;
- кишиларнинг жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ қадриятлар;
- миллий қадриятлар;
- маънавий қадриятлар ва ҳ.к

Юқорида санаб ўтилган қадриятлардан кўриниб турибдики уларнинг барчаси инсонларнинг манфаатларига хизмат қиласи экан. Савол туғилиши мумкин. Қадриятларнинг яратувчиси ким? Албатта инсон. Хўш, инсон қадриятларни қандай яратади? Табиийки ақли ва фаолияти орқали. Демак, хулоса келиб чиқадики, инсон ақлининг ўзи қадрият экан. Агар биз инсонни олий қадрият деб баҳолайдиган бўлсак, қадриятларни яратучиси сифатида унинг ақлинни бош қадрият деб баҳоласак бўлади.

Фалсафа тарихида яққол кўринадики, қадриятларни рационал жиҳатдан ўрганиш ҳар доим ҳам алоҳида ўрин касб этавермаган. Бу ҳақида рус файласуфи П.П.Гайденко шундай фикрни билдиради: “...хозирги кунга келиб қадриятнинг тузилиши илмий ва ноилмий жамоатчилик ичида билиш жараёни мавжудлиги ролини бажармоқда. Бунга илмий томондан қараганда қадриятлар ҳар доим ҳам етарли даражада англанилмаган ва бунга одатланилмаган”. [1]

Ҳақиқатдан ҳам, қадриятнинг тузилиши ва рационал жиҳатлари кенг жамоатчилик томонидан ҳар доим ҳам кўриб чиқилавермайди. Қадриятларни ўрганганимизда улар доимо инсонларнинг рационал фикрлаши ва фаолияти маҳсули эканлиги кўриниб туради. Инсон томонидан яратилган ҳар қандай нарса агарда у инсоният учун ижобий бўлса, қадрият бўла олади. Бу инсонларнинг рационал ва мақсадга мувофиқ фаолияти орқали юзага келади. Яратилган нарсалар нафакат инсон билишида балки, инсоннинг ҳар бир фаолиятидан келиб чиқиб, ҳар томонлама қулай шарт-шароитларга интилиши, у ёки бу қадрият ва мақсадларида намоён бўлади.

Ўтмиш қадриятлари, илм-фан ва маданият дурдоналари халқнинг бебаҳо маданий меросини ташкил этади. Бугунги кунда буюк маданиятимизнинг негизларини, қадимий меросимизнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларини ҳар томонлама илмий жиҳатдан ўрганиш, ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қадриятларнинг миллий тарбия тизимидағи ўрни ва моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш, инсонларда, жумладан ёшларда миллий ғуур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик, халоллик, меҳнат-севарлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта аҳамиятга эга.

Қадриятларнинг барча турлари инсоннинг эркин яшаши, маънавий-аҳлоқий камол топиши ва фаровон хаёт кечириши учун хизмат қиласидиган восита бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақиллик йўлидан дадил қадамлар ташлаб, улкан тарихий марраларга эришган сари қадриятларимизга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Истиқлолимиз шарофати билан отабоболаримизнинг ҳаёти, фаолияти, урф-одатлари, ўй-кечинмалари, фан ва санъат учун муҳим бўлган маданий ва маънавий меросимиз дурдоналарини илмий жиҳатдан ўрганишга йўл очилди. Уларни асраб – авайлаш ва келажак авлодга етказиб бериш зарурлиги англаб етилди. Бу мерослар эса, ўз навбатида, ёшларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг мустаҳкамланишида ва бадиий-эстетик тарбиясининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Қадриятлар инсонга, айниқса ёшларга хаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш ва эзгу мақсадлари, идеалларини белгилашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятнинг барча соҳаларида янгиланишларнинг амалга ошиши инсонларнинг қадриятларга бўлган муносабати билан белгиланади. Зоро, маънавий бойликлар ва қадриятлар давлатнинг, жамиятнинг ва ҳар бир инсоннинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт омили ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. П.П.Гайденко «Научная рациональность и философский разум»
Часть 17 Глава 4.
2. Usmonova L.R. Aesthetic role of folk traditions in the development of miniature painting of the East. Proceedings of Global Technovation, An International multidisciplinary conference. Samsun, Turkey, 2020. – Р. 34-35.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/025>

ИБН СИНО ТАФСИРИДА ВОЖИБ АЛ-ВУЖУД ТУШУНЧАСИ

Исақджанов Рамзиддин

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси катта ўқитувчisi,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ибн Сино тафсир, ақоид мавзуларида ҳам асарлар ёзган. Мазкур асарлар аллома даврида кўпчиликни қизиқтирган масалалар, унга